

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВА ШОҲИСТА ДАВРОНБЕКОВНА

ДОНОРЛАР ҚОНИНИ БРУЦЕЛЛЁЗГА ТЕКШИРИШ ҲОЛАТИ
ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бобожонова Шохиста Давронбековна

Донорлар қонини бруцеллёзга текшириш ҳолати ва уни

тақомиллаштириш..... 3

Бобожонова Шохиста Давронбековна

Состояние обследования доноров крови на бруцеллез и его

совершенствование 27

Bobojonova Shokhista Davronbekovna

Status of testing blood donors for brucellosis and it improvement..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВА ШОҲИСТА ДАВРОНБЕКОВНА

**ДОНОРЛАР ҚОНИНИ БРУЦЕЛЛЁЗГА ТЕКШИРИШ ҲОЛАТИ
ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2554 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидов Аълонур Бахтинурович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудова Азиза Джумановна
тиббиёт фанлари доктори
Ибрагимова Сапура Захидовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий
малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: +998-78 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Ш.А.Бабаджонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Трансфузиологияда инфекциялар юқиш хавфи бугунги кунда хар қачонгидан пастроқ бўлса ҳам, хавфсиз қон махсулотларини етказиб беришда, ҳозир маълум бўлган ва хали аниқланмаган патогенлар (ёки инфекциялар) билан уларни зарарланиш эҳтимоли ҳамон сақланмоқда. Фақатгина донорларни танлашни такомиллаштириш ва амалга ошириш, сезгир скрининг синовлари ва самарали инактивация амалиётлари ёрдамида трансфузион ўтадиган инфекцияларни юқиш хавфини йўқ қилиш ёки ҳеч бўлмаганда камайитишни таъминлаш мумкин. Шундай қилиб, трансфузион тиббиёт билан шуғулланадиган барча тамонлар, шу жумладан миллий қон назорати тизимларининг ҳамкорлиги, маълум бўлган ва пайдо бўлаётган (аниқланмаган) қон билан юқадиган патогенлардан хавфсиз бўлган қон махсулоти таъминотини химоя қилиш учун жуда муҳим. Бугунги кунда донорларни баҳолаш, лаборатория текширувлари ва патогенларни инактивация қилиш тадбирлари гемотрансмиссив инфекциялар хавфини камайитиш учун хал қилувчи восита ҳисобланса ҳам, барча хавфларни тўлиқ бартараф этмайди. Юқиш воситалари, вируслар, бактериялар ёки протозойлар бўлиши мумкин. 1950 йилда қон қуйиш орқали бруцеллёз инфекциясини юқиши аниқланган. Донорлар қони гемотрансмиссив инфекциялар муаммоси 1980-йилларга бориб тақалади ва бунда гепатит Б ҳамда С вируси, инсон иммунитет танқислиги вируси, захм ва бруцеллёз каби инфекциялари бўлган қон орқали уларни қабул қилувчиларга юктириш хавфи юқори ва айни вақтда уларни текшириш усуллари аниқ бўлди. Шунга қарамасдан бактериялар билан зарарланиш клиник трансфузиологиянинг энг муҳим масаласига айланиб бормоқда. Ушбу муоммолардан бири хужайра ичида паразитлик қила оладиган грам-манфий бактериялар авлодига мансуб, бруцеллёз қора оқсоқ—зооноз инфекция, у касалланган хайвонлардан одамларга юқади ва инсон аъзолари ва тизимларига кўплаб шикаст етказиши билан тавсифланади. Бруцеллёзнинг кўзгатувчилари — *brucella* авлодига мансуб бактериялардир. Унинг 6 тур кўзгатувчиси ва 17 та биовари аниқланган ва инсонларга қуйидаги учтаси патоген ҳисобланади: *Brucella melitensis*, *Brucella abortus*, *Brucella suis*. Бруцеллёзда ялли лимфаденопатия кузатилади ва бу бактерияларнинг гематоген тарқалишини тасдиқлайди. Кўпайиши ва тўпланиши лимфа тугунларида, баъзан эса қонда содир бўлади. Касаллик сурункали кечишга мойиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Касалланишдан кейин иммунитет пайдо бўлса ҳам узок сақланмайди (3-5 йилдан сўнг қайта инфекцияланиш мумкин). Бруцеллёз дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатлари ва минтақаларида кенг тарқалган бўлиб, баъзи давлатлар уни қатъий профилактика ва назорат чоралари орқали йўқ қилинганлигини эълон қилишган. Бироқ, сўнгги йилларда

эпидемия жараёнининг сезиларли салбий динамикаси кузатилмоқда. Донорлар орасида бруцеллёз билан зарарланиш ҳолатлари Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларида юқори кўрсаткичларни кўрсатмоқда. Охирги йилларда бундай ҳолат Жиззах вилоятида ҳам кузатилмоқда. Бруцеллёзнинг глобал тарқалиши дунёнинг 100 мамлакатада йилига 500 минг ҳолат сифатида белгиланади. Лаборатория ташҳисини янада такомиллаштириш, патоген бактерия диагностикасини тезлаштирилган синов усуллари жумладан скрининг тестларни жорий этишда кузатилади. Беморлар учун ишлатиладиган донорлик қони ва унинг таркибий қисмларининг хавфсизлиги ҳозирги вақтда қуйидаги технологиялар билан белгиланади: донорларни танлаш, уларни қонини қуйиш учун бактериологик таҳлил, серологик ва молекуляр-биологик лаборатор-диагностик текширувлар ҳамда муҳим инфекциялар учун лейкофилтрация, ултрабинафша ёки гамма нурлари билан нурлатиш орқали патогенларни камайтириш. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан хавфсиз ва сифатли қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлашда тўғри мақсадга йўналтирилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.08.2022 йилдаги ПК-348 сон Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш чоралари тўғрисидаги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2023 йил 6 сентябрдаги ПФ-156-сонли “Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда сўнгги йилларда гемотрасмиссив инфекциялар хавфи патологияларини эрта ташхислаш кўп бўлишига қарамасдан, адабиётларда лаборатория диагностика ва скрининг тест системаларининг самародорлиги ва уларни такомиллаштиришга бағишланган ишлар муҳокамаси давом этмоқда. Бу эса хавфсиз қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш учун гемотрансмиссив инфекцияларни эрта аниқлаш мақсадида янада мукаммал текширишлар

олиб бориш лозимлигини кўрсатади. Шубхали натижалар кузатилган ҳолатларда босқичма-босқич текширувларни такомиллаштириш орқали ортиқча қон хажм (литр) ларни йўқотилишини олдини олиш.

Ушбу соҳадаги тадқиқотлар қуйидаги хориж олимлари томонидан ўрганилган: Скорикова С.В. Қозоғистон Республикасида қон топшириш ва унинг таркибий қисмларининг клиник ва технологик жараёнларини такомиллаштиришни ўрганиб, Қозоғистон Республикаси ҳудудларида донорлик хусусиятлари қон харидларини ва унинг таркибий қисмларини кўпайтириш учун мақбул имкониятлар аниқланади. Қозоғистонда қон донорларида гемотрансмиссив инфекцияларнинг тарқалиши ва пайдо бўлиши биринчи марта аниқланди. (Москва - 2014 г)

Губанова М.Н ва ҳаммуаллифларнинг аниқлашига кўра, Бруцеллёз:қон донорларини текшириш Ставропол ўлкаси бўйича ўрганиб, 2014-2016 йилларда Ставропол ўлкасида қон топширган 51,781- донорлар бруцеллёз учун текширилди. Ҳуддлесон реакцияси натижаларига кўра серопозитив донорлар сони 152,2% га, Райт реакцияси натижаларига кўра еса 359,7% га ошди ($p < 0,01$). (М. Н. Губанова Россия 2017)

Боржиев У.А Жалолобод вилоят қон марказида қон донорларида бруцеллёзнинг замонавий диагностикаси ўрганиб, Натижаларга кўра, бруцеллёзга 21 донорда ижобий реакция аниқланди (бруцеллёз учун ижобий ҳолатларнинг умумий сонининг 77%) ва 7 қон донорида тасдиқланмаган (тасдиқланмаган ҳолатларнинг 23%), бу шубхали реакцияларни истисно қилишга имкон беради. 2020 йилдаги маълумотлар билан таққослаганда, 2024 йилда Жалолобод вилоят қон марказида бруцеллёзни аниқлашнинг янги усулини қўллаш туфайли донорларнинг мутлақ сонининг 0,5% ижобий натижага эришди (Қирғизистон Республикаси 2024)

Ўзбекистонда сўнгги беш йилликда, Ахмедова М.Д. Бруцеллёз кўзгатувчиларини аниқлаш учун полимераза занжир реакциясидан фойдаланиш. (2017).

Тўйчиев Л.Н. ва ҳаммуаллифлари аниқлашига кўра, экспериментал диагностик бруцеллёзли куён зардобинини олиш ва уни характеристикаси бруцеллёз зардобини миллий стандартини ишлаб чиқиш. (Тўйчиев Л.Н. 2024).

Бироқ донорларда бруцеллёзга позитив аниқланиш сони, донорлар қонини бруцеллёзга текширишда босқичма-босқич скрининг тестларини ўтказиб уларнинг самарадорлиги баҳолаш, донорлар орасида бруцеллёзни позитив ҳолати Республика бўйича ретроспектив тарзда ўрганилмаган. Шу билан бирга, хавфсиз қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлашда бруцеллёзга проспектив ўрганиш (клиник ва лаборатор хусусиятлари) ҳамда донорлар қонида бруцеллёз диагностик алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Бинобарин, донорлар орасида гемотрансмиссив инфекциялар яъни бруцеллёз билан зарарланиш

холатлари, хавфсиз қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлашни муҳофаза қилиш ва яхшилаш муаммоси тиббиётнинг миллий аҳамиятга эга бўлган долзарб йўналишларидан биридир.

Диссертация тадқиқот ишини у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университети илмий–тадқиқот ишлари режасининг №01.1800233 «Қон тизими касалликларининг клиник биокимёвий ва молекуляр–биологик аспектлари. Донорлик муаммолари» (2021–2025 й) Ташхислаш, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларининг ечимини топиш» мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қон донорлари орасида бруцеллёзни учраш даражаси ва уни аниқланиш усуллари асосида, донорлар қонини хавфсиз ва рационал қўллашни таъминлашда ёндашувларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Ўзбекистон Республикаси қон донорларида бруцеллёз билан касалланишни ретроспектив (2013 - 2020 йй.) таҳлил йўли билан ўрганиш.

2. Ретроспектив ва проспектив таҳлиллار маълумотларига асосланиб, рад етилган қон топширишнинг миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш.

3. Қон донорларининг хавфсизлигини таъминлаш учун бруцеллёзни аниқлаш учун скрининг лаборатория усуллари ва карантин усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш.

4. Донорлик қонини рад етиш ва оқилона фойдаланиш улушини камайтириш учун қон донорларида бруцеллёзни босқичма-босқич скрининг қилишнинг илмий асосланган самарали ёндашувларини таклиф қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2023 йилларда Республика қон қуйиш марказига ихтиёрий қон донори сифатида мурожат қилган донорлар орасидан 140 нафар донордан 90 нафарида бруцеллёз билан зарарланган асосий гуруҳни, 50 нафар бруцеллёз билан зарарланмаган соғлом донорлар назорат гуруҳи олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бруцеллёз билан зарарланган донорларни клиник-диагностик жихатларини ўрганиш ва ўзига хос имкониятларини такомиллаштиришда иштирок этган 90 нафар донорлар ва уларнинг веноз қони, қон зардоби намуналарининг натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга ошириш учун умумклиник, трансфузиологик, гематологик, серологик, молекуляр-биологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда биринчи мартаба қон донорлари орасида бруцеллёз билан касалланиш кўрсаткичи 100 000 донорларга нисбатан 20,3 ташкил

қилиши, шунингдек энг юкори кўрсаткичлар Қашқадарё 3,5 ва Сурхондарё 4,27 вилоятларида аниқланган.

Бруцеллёзга ижобий натижалар туфайли рад этилган қон топширишнинг миқдорий кўрсаткичлари 0,23% ($312,75 \pm 11,8$ литр/йилига) ташкил қилганлиги, шунингдек бруцеллёзга ижобий бўлган донорлар қонини карантинлаш усулларида фойдаланиш унинг хавфсизлигини таъминламаслиги асосланган.

Стандарт скрининг усуллари билан солиштирганда полимераза занжир реакцияси усулидан фойдаланиш донор қонида бруцеллёз инфекцияси мавжудлигини аниқлаш ва сохта ижобий натижаларни бартараф этишда юкори аниқлик имконини бериши аниқланган.

Қон донорларида бруцеллёзни босқичма-босқич скрининг қилишда полимераза занжир реакцияси усулидан фойдаланиш донорлар қонни рад этиш даражасини 56,7% гача ошириш имконини бериши ва ундан оқилона фойдаланиш кўрсаткичини кўтарилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2013-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва Республика қон қуйиш марказида қон топширган донорлар сони ҳамда донорликларнинг тақсимланиши, лаборатор диагностика таҳлиллари ва бруцеллёз инфекцияси кўрсаткичларининг ретроспектив таҳлили баҳоланган;

Донорларни бруцеллёз билан зарарланишининг учраш сони, умумклиник, трансфузиологик, гематологик, серологик ва молекуляр-биологик таҳлилларни такомиллаштиришдаги ишлар баҳоланган;

Донорлар қонини иммунофермент анализ ёрдамида бруцеллёз инфекцияси серологик таҳлил кўрсаткичлари баҳоланган;

Донорлар қонида бруцеллёзни гемотрансмиссив инфекцияларнинг замонавий диагностика усули полимераза занжир реакцияси таҳлили кўрсаткичлари баҳоланган;

Донорлар орасида бруцеллёз билан зарарланган донорлар учун скрининг тест системаларининг самарадорлигини такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усуллариининг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, трансфузиологик, гематологик, серологик, иммунологик, молекуляр-биологик таҳлилларни ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, донорларда бруцеллёз учун скрининг тест системаларини такомиллаштириш натижалари халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки донорларда бруцеллёзга позитив аниқланиш сони, улар қонини бруцеллёзга текширишда босқичма-босқич скрининг тестларини ўтказиб уларнинг самарадорлиги баҳолаш, донорлар орасида бруцеллёзни позитив ҳолати Республика бўйича ретроспектив таҳлиллари. Шу билан бирга, хавфсиз қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлашда бруцеллёзга проспектив ўрганиш (клиник ва лаборатор хусусиятлари) ҳамда қон донорлар орасида гемотрансмиссив инфекциялар яъни бруцеллёз билан зарарланиш ҳолатлари ва хавфсиз қон таркибий қисмларини тайёрлашни муҳофаза қилиш ва яхшилаш муаммоларини боғлиқликлгини назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2025-йил 30-январдаги 408 сон ва 2025-йил 17 феврал 726-сон ҳулосасига кўра: **Биринчи илмий янгилик:** Ўзбекистонда биринчи мартаба қон донорлари орасида бруцеллёз билан касалланиш кўрсаткичи 100 000 донорларга нисбатан 20,3 ташкил қилиши, шунингдек энг юқори кўрсаткичлар Қашқадарё 3,5 ва Сурхондарё 4,27 вилоятларида аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд вилояти қон қуйиш станцияси 31.01.2025-йилдаги 1-сонли буйруғи билан ва Хоразм вилояти қон қуйиш маркази 18.02.2025-йилдаги 24-I-сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025-йил 30-январдаги 408 сон ва 2025-йил 17 феврал 726-сон ҳулосасига кўра. **Ижтимоий самарадорлиги:** қон донорлар орасида бруцеллёз инфекциясини учраш даражаси, 100 минг донорларга нисбатан мусбат натижалар, республика ҳудудлари бўйича қон марказларида бруцеллёз инфекциясини ҳақиқий ҳолатини баҳолаш, мусбат натижалар ҳисобига яроқсиз донорлар қонини (литр) йўқотилиш ҳолатлари. **Иқтисодий самарадорлиги:** қон донорларини босқичма-босқич тест системаларида текшириш бу сохта мусбат ва мусбат натижалар ҳисобига йўқотилаётган қон ҳажми ва доноциялар сонидаги чекловларни тартибга солишга олиб келади. Қон донорларини босқичма-босқич тест системаларда текшириш иқтисодий жиҳатдан сарф харажатлар ошишига олиб келиши мумкин, лекин бу хавфсиз қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлашга, сохта мусбат натижалар ҳисобига йўқотилаётган донорлар қон ҳажмларини, яъни бир тамондан кам учрайдиган қон гуруҳларини ва шу қонни тайёрлаш, донордан қон олиш жараёнларида ишлатилаётган сарф харажатларни сақлаб қолишга имкон беради. Бир литр консерваланган қон тайёрлаш учун иккита донор иштирок этади, бир литр косерваланган қони тайёрлаш учун 620368 сўм ишлатилади. Таққословчи анъанавий усул

бўйича олиб борилган тадқиқотимиз учун олинган 90 нафар донордан 45 литр консерваланган қон тайёрланади. Натижа: 1литр консерваланган қон = 620368 сўм, 45 литр консерваланган қон = 27916560 сўм, $620368 \times 45 = 27916560$ сўм. Тадқиқотда олинган 90 нафар донорларда бруцеллёз инфекциясини сохта ва мусбат натижаларини ҳисобга олган ҳолда 45 литр консерваланган қон экспертлар тамонидан йўқ қилинди ва бу 27916560 сўмни ташкил қилди. **Хулоса:** олинган натижаларга кўра қон донорлари орасида бруцеллёз инфекциясини учраш даражасини, қон донорларини босқичма-босқич тест системаларида текшириш, бу сохта мусбат ва мусбат натижалар ҳисобига йўқотилаётган қон хажми ва доноциялар сонидаги чекловларни тартибга солишга олиб келган.

Иккинчи илмий янгилик: Бруцеллёзга ижобий натижалар туфайли рад этилган қон топширишнинг микдорий кўрсаткичлари 0,23% ($312,75 \pm 11,8$ литр/йилига) ташкил қилганлиги, шунингдек бруцеллёзга ижобий бўлган донорлар қонини карантинлаш усулларида фойдаланиш унинг хавфсизлигини таъминламаслиги асосланган. Самарқанд вилояти қон қуйиш станцияси 31.01.2025-йилдаги 1-сонли буйруғи билан ва Хоразм вилояти қон қуйиш маркази 18.02.2025-йилдаги 24-I-сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025-йил 30-январдаги 408 сон ва 2025-йил 17 феврал 726-сон хулосасига кўра. **Ижтимоий самарадорлиги:** 2021-2023 йиллар орасида қон донорлар орасида бруцеллёзга сохта ва мусбат натижалар ҳисобига босқичма-босқич скрининг тест системалари орқали текшириш натижасида рад этилган қон топширишнинг микдорий кўрсаткичлари 0,23% ($312,75 \pm 11,8$ литр/йилига) ташкил қилди ва шу йиллар орасида бруцеллёзга ижобий бўлган донор қонини карантинлаш усулларида фойдаланиш унинг хавфсизлигини таъминламаслиги асосланди. **Иқтисодий**

самарадорлиги: Босқичма-босқич олиб борилган тадқиқотларда олинган 90 нафар донорларда бруцеллёз инфекциясини янги полимераза занжир реакцияси усули орқали текширилганда 39 нафар донорда мусбат натижалар қайд қилинди ва мусбат натижани ҳисобга олган ҳолда 19,5 литр консерваланган қон экспертлар тамонидан йўқ қилинган ва бу 12090000 сўмни ташкил қилган бўларди. EE (тежалган сўм) = $27\ 916\ 560 - 12\ 090\ 000 = 15\ 826\ 560$ сўм. Янги тадбиқ қилинган усул орқали 90 нафар донорларга нисбатан полимераза занжир реакцияси усули ёрдамида текширилганда 15826560 сўм тежалишига олиб келарди. **Хулоса:** Хедделсон (АУС – 0,34) скрининг усули билан таққослаганда, полимераза занжир реакцияси усулидан фойдаланиш қон донорларида бруцеллёз мавжудлигини аниқроқ (АУС-0,79) аниқлашга ва сохта ижобий натижаларни (100%) истисно қилишга имкон беради.

Учинчи илмий янгилик: Стандарт скрининг усуллари билан солиштирганда полимераза занжир реакцияси усулидан фойдаланиш донор қонида бруцеллёз инфекцияси мавжудлигини аниқлаш ва сохта ижобий натижаларни бартараф этишда юқори аниқлик имконини бериши аниқланган; Самарқанд вилояти қон қуйиш станцияси 31.01.2025-йилдаги 1-сонли буйруғи билан ва Хоразм вилояти қон қуйиш маркази 18.02.2025-йилдаги 24-I-сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025-йил 30-январдаги 408 сон ва 2025-йил 17 феврал 726-сон хулосасига кўра. **Ижтимоий самарадорлиги:** хавфсиз қон ва қон таркибий қисмларини тайёрлаш, донор қонида бруцеллёз инфекцияси мавжудлигини аниқлаш ва сохта ижобий натижаларни бартараф этишда юқори аниқлик имконини беради. **Иқтисодий самарадорлиги:** Янги усулнинг қиймати = 800000 сўм, сарф материаллари + реагентлар + янги усул ускуналарининг нархи = 218784 сўм, таққословчи усул нархи = 620368 сўм, таққословчи усулнинг сарф-харажат материаллари + реактивлар + жиҳозлар нархи = 214243 сўм. $EE_{\text{тадбиқ.усули}} = 800000 / 218784 = 3,65$, $EE_{\text{аналоги}} = 620368 / 214243 = 2,89$. $EE = 3,65 - 2,89 / 2,89 * 100 = 26\%$ ташкил қилди. **Хулоса.** Қон донорларида бруцеллёз учун стандарт Хедделсон скрининг тестининг ижобий натижалари 100% яроқсиз қонга асос бўлди ($45 \pm 0,9$ л/йил).

Тўртинчи илмий янгилик: Қон донорларида бруцеллёзни босқичма-босқич скрининг қилишда полимераза занжир реакцияси усулидан фойдаланиш донорлар қонни рад этиш даражасини 56,7% гача ошириш имконини бериши ва ундан оқилона фойдаланиш кўрсаткичини кўтарилиши аниқланган. Самарқанд вилояти қон қуйиш станцияси 31.01.2025-йилдаги 1-сонли буйруғи билан ва Хоразм вилояти қон қуйиш маркази 18.02.2025-йилдаги 24-I-сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025-йил 30-январдаги 408 сон ва 2025-йил 17 феврал 726-сон хулосасига кўра. **Ижтимоий самарадорлиги:** Донорлар қонида бруцеллёз инфекциясини аниқлаганда полимераза занжир реакциясини қўллаш яроқсиз донациялар улушини камайишига ва сақланиб қолган қони мақсадли ишлатилишга олиб келади. **Иқтисодий самарадорлиги:** донорларда бруцеллёз инфекциясини янги полимераза занжир реакцияси усули орқали текширилганда 90 нафар донорларга нисбатан полимераза занжир реакцияси усули ёрдамида текширилганда 15826560 сўм тежалишига олиб келди. Полимераза занжир реакцияси скринингидан фойдаланиш рад этилган қон донацияси даражасини 56,7% гача ($19,5 \pm 1,9$ л/йил) камайтиришга имкон берди. **Хулоса.** Донорлар қонида бруцеллёз инфекцияси эрта башорат қилиш ва хавфини бартараф этиш орқали қон тайёрлашда сохта мусбат бруцеллёз инфекцияси туфайли қон ва қон

таркибий қисмларини ортиқча йўқ қилиш сарфини камайтириш учун серологик, бактериологик ва молекуляр-биологик усулларни самарадорлигини баҳолашнинг янги усуллар билан боғлиқ иқтисодий самарадорлиги ўртача = 26 % ни ташкил қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бруцеллёз ҳақида замонавий ғоялар.Патогеннинг асосий хусусиятлари ва унинг эпидемиологик тарқалиши. (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида бруцеллёзнинг тарқалиши ва таснифи, этиопатогенези, клиник кўриниши ва лаборатор диагностикаси ахамияти ёритилган. Шунга асосланиб, донорлар орасида бруцеллёз билан зарарланишда клиник лаборатор диагностика ва хавфсиз қон ва қон таркибий қисмларини таёрлашда жуда ҳам зарур ва долзарб бўлиб ҳисобланиши таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали бўлиб ҳисобланган донорларнинг клиник характеристикаси ёритилган, шунингдек, ушбу тадқиқот ишида қўлланилган лаборатор ва ҳар хил тест системалари тўғрисида маълумотлар тўлиқ келтириб ўтилган. Кузатув жараёнида 2021 – 2023 – йиллар давомида жами 128158 нафар донорлар ўрганилди, улар орасидан 90 нафар (0,07%) донорларда бруцеллёз билан зарарланган ҳолатлари аниқланди. Донорлар қонида бруцеллёзни турли хил тест системалари бўйича чуқур ўрганилди. Беморларнинг ёши 18 ёшдан 65 ёшгача (ўртача $38,6 \pm 1,1$) ни ташкил этди.

Тадқиқот усуллари клиник (анамнез йиғиш, кўрик), лаборатор (умумий қон таҳлилидан гемоглобин, қон гурухлари ва резус омили, биохимия таҳлилидан АЛТ, серологик, иммунологик ва молекуля-биологик текширувлар) ва натижаларга статистик ишлов бериш усуллари ташкил қилди. Клиник усуллар шикоятлар, анамнез ва донорни объектив кўригини ўз ичига олган. Умумий қон таҳлилидан гемоглобин даражасини аниқлаш, қон гурухларини Цоликлон усули анти А ва анти В орқали ҳамда резус омилини анти Д зардобини орқали аниқланди, биохимик таҳлилдан АЛТ Mindray BA-88A000 (Хитой) биохимик ярмаавтомат анализаторида Mindray (Хитой) реагентларини қўллаган ҳолда амалга оширилган. Хедделсон ва Райт агглютинация реакциялари учун Анти-Бактантген-Тест “Brucella-реагент” ЗАО “ЭКОлаб”, Ягона бруцеллэзга антиген (диагностикум БИБИНОР). Иммунофермент усули учун донорлар қон зардобини бруцелла-IgM-IFA-BEST (серия: 352, ОПКср=0,049, ОПК⁺=3,1, ОПКкрит=0,049+0,3=0,349), IgG-IFA-BEST (серия: 354, ОПКср=0,035, ОПК⁺=3,7, ОПКкрит=0,035+0,2=0,235), Бруцеллэз IgM-IMBIAN-IFA- (серия: i30-05-23, ОПКср=0,053, ОПК⁺=2,2, ОПКкрит=0,053+0,2=0,253), Бруцеллэз IgG-IMBIAN-IFA- (серия: 023285, ОПКср=0,084, ОПК⁺=2,1, ОПКкрит=0,084+0,2=0,284) тест системалари (Ишлаб чиқарувчи: АО“Вектор-Бест” ва ООО“ИМБИАН ЛАБ” Новосибир) диагностик системаларидан фойдаланилган ҳолда иммунофермент анализ (ИФА) ўтказилди ва қон зардобидаги специфик антитанача IgM ва IgG (иммуноглобулин М ва G) аниқланди. Олинган натижалар тўғрилигини аниқлаш мақсадида 6 та контрол гурухлар ҳам баҳоланди. Тестнинг сезгирлиги 100%, ўзига хослиги 99,6% эkanлиги аниқланди. 96 панелдаги серопозитив ва серонегатив таҳлиллар қиёсий таққосланди. Полимераза занжир реакцияси учун тадқиқотнинг 1-фазада ДНК ларни ажратиш жараёнида ROSSA компанияси томонидан ишлаб чиқарилган SilicSorbNA (Россия) реактивлар тўпламидан фойдаланиш бўйича Brucella spp бактерияларини ДНКсини ажратиш учун, 2-фазада TIANLONG Gentier 96-RT PCR қурилмасидан фойдаланилган ҳолда ("Amplicense Brucella spp.-FL")(Россия) реагент тўпламидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида қон донорлари орасида бруцеллэз инфекциясини аниқлаш таҳлили.**» деб номланган учинчи бобида донорлар орасида бруцеллэзга позитив ҳолатининг сони аниқланди. Диссертациянинг олдида қўйилган вазифаларига мувофиқ равишда, ретроспектив маълумотлар 2013 – 2020 – йиллар Республика бўйича барча қон қуйиш марказлари вилоятлар ва республика муассасалар кесимидаги статистик маълумотларидан фойдаланилди. 2021-2023 йилларда Республика қон қуйиш марказига ихтиёрий мурожат қилган 128158 нафар донорлар карталари ўрганилди ва улар орасидан 90 нафар бруцеллэз билан зарарланган донорларни асосий гурухга ва бруцеллэз

билан зарарланмаган 50 нафар донорларни назорат гурухига олинди. 3 йил давомида 90 нафар бруцеллёз позитив бўлган донорлар қони босқичма-босқич тест системалари самарадорлиги ўрганилди: Проспектив тадқиқотда донорларнинг ёши 18 ёшдан 65 ёшгача бўлиб, ўртача ёши асосий гуруҳда $38,6 \pm 1,1$, назорат гуруҳида ўртача ёш $37,1 \pm 1,2$. Таҳлилларда 86,7% ни эркаклар, 13,3% ни эса аёллар ташкил қилди. Таҳлилдаги 2013-2020 йиллардаги ретроспектив тадқиқотларда донорлар орасида бруцеллёз позитив ҳолатининг учраш даражаси энг юқори кўрсаткичларни вилоятлар кесими бўйича Қашқадарё вилоятида 930 та мусбат натижа ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажм (литр) ўртача $56,3 \pm 2,1$ га тенг, Самарқанд вилояти 788 та мусбат натижа ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажми (литр) ўртача $47,1 \pm 1,9$ га тенг, Сурхондарё вилояти 653 та мусбат натижа ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажм (литр) ўртача $36,7 \pm 1,4$ га тенг, Андижон вилояти 468 та мусбат натижа ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажм (литр) ўртача $26,8 \pm 0,82$ га тенг, Фарғона вилояти 434 та мусбат натижа ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажм (литр) ўртача $25,9 \pm 0,97$ га тенг, ва энг кам кўрсаткичларни вилоятлар кесимида Хоразм ва Сирдарё вилоятлари бир хил натижаларни кўрсатди мусбат натижа 18 нафар ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажми (литр) ўртача $2,1 \pm 0,09$ ташкил қилди. Республика бўйича мусбат натижа 4565 нафарни ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажми (литр) $265,8 \pm 9,9$ га тенг кўрсаткичларни кўрсатди. 2021-2023 йиллардаги ретроспектив тадқиқотларда донорлар орасида бруцеллёз ижобий ҳолатининг учраш даражаси энг юқори кўрсаткичларни вилоятлар кесими бўйича Сурхондарё вилояти 513 та мусбат натижа ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажм (литр) ўртача $82,17 \pm 3,1$ га тенг, Самарқанд вилояти 263 та мусбат натижа ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажм (литр) ўртача $42,88 \pm 1,6$ га тенг, Жиззах вилояти 259 та мусбат натижа ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажм (литр) ўртача $42,63 \pm 1,7$ га тенг, ва энг кам кўрсаткичларни вилоятлар кесимида Тошкент вилояти мусбат натижа 9 нафар ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажми (литр) ўртача $1,5 \pm 0,06$ ташкил қилди. Республика бўйича мусбат натижа 1734 нафарни ва мусбат натижа билан йўқотилган қон ҳажми (литр) ўртача $291,13 \pm 10,8$ натижаларни ташкил қилди. 2013-2020 ва 2021-2023 йиллар орасида ретроспектив таҳлиллар асосида мусбат натижалар ва мусбат натижалар билан йўқотилган қон ҳажмларини таққослама аниқланиш ишончлилиги ($p < 0,001$) ташкил қилди.

Диссертациянинг «Қон донорлари орасида бруцеллёзни аниқлаш усуллариининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш.» деб номланган тўртинчи бобида. Донорлар қонини бруцеллёзга текшириш ва клиник лаборатор кўрсаткичларини ўрганишдан иборат. Клиник тадқиқотлар 2021-2023 йиллар давомида Республика қон қуйиш марказининг Гемотрансмиссив инфекциялар диагностик лабораторияси ва

бактериалогия лабораторияси бўлимида ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг Биотиббий технологиялар марказининг молекуляр генетика ва ситогенетика тадқиқотлар лабораториясида олиб борилди. Тадқиқотда асосий гуруҳ таркибида 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган бруцеллёз билан зарарланган донорлар 78 нафар эркак ва 12 нафар аёллар, жами 90 нафар донор қатнашди. Назорат гуруҳи сифатида 50 нафар соғлом донорлар танлаб олинди. Тадқиқотга барча донорлар ўз хоҳиши билан иштирок этишди.

Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, донорлар орасида эркалар жинсга мос устунлик аниқланди. Асосий гуруҳда 18-40 ёшдаги донорлар 57 нафарни (63,3%) бўлиб, энг кўп қисмини ташкил қилди, 41-55 ёшдаги донорлар 29 нафарни (30%) тани, 56-65 ёшдаги донорлар эса 4 нафарни (4,4%) тани ташкил қилди. Бруцеллёз билан зарарланган донорлар ташхисини қўйишда донорлар шикоятлари (донорларда шикоятлар кузатилмади), анамнезида (сут ва сут маҳсулотларини қабул қилганлиги, қорамоллар билан контактда бўлган ва б.), лаборатор ҳамда инструментал текшириш натижаларига асосланди. Тадқиқот натижалари бўйича, бруцеллёз билан зарарланган донорларни жинс ва ёш бўйича учраш кесими. Назорат гуруҳига 50 нафар донорлар олинди (1- жадвал). Бруцеллёз инфекцияси ижобий бўлган донорларни (n=90) ёш ва жинс бўйича тақсимланиши. (Хедделсон усули) (жадвал-1)

Жадвал-1

		Донорлар сони			
		Асосий гуруҳ (n=90)		Назорат гуруҳи (n=50)	
		абс.	%	абс.	%
Жинси	Э	78	86,7	49	98,0
	А	12	13,3	1	2,0
Ёш	Э	38,3±1,1		36,9±1,2	
	А	40,5±3,8		47,0±0,0	
	Умумий	38,6±1,1		37,1±1,2	

Бруцеллёз билан зарарланган донорларни жинс ва ёш бўйича учраш даражасини ҳисобга олган ҳолда, 2-гуруҳда асосий ва назорат гуруҳларда ўрганилди. Гуруҳлар шуни кўрсатдики, жинс бўйича эркалар асосий гуруҳда 78 нафарни (86,7%) ва назорат гуруҳларида 49 нафарни (98%) ни, аёллар эса асосий гуруҳда 12 нафарни (13,3%) ва назорат гуруҳида 1 нафар (2%) ни ташкил қилди. Донорлар орасида эркалар жинсга мос устунлик аниқланди. Ёш бўйича эркалар асосий гуруҳда 38,3±1,1ни ва назорат

гуруҳида эса $36,9 \pm 1,2$ ни, аёллар бўйича асосий гуруҳда $40,5 \pm 3,8$ ни ва назорат гуруҳида эса $47,0 \pm 0,0$ натижаларни кўрсатди. Умумий ёш чегараси бўйича асосий гуруҳда $38,6 \pm 1,1$ ва назорат гуруҳида эса $37,1 \pm 1,2$ каби кўрсаткичларни ташкил қилди.

Тадқиқот натижалари бўйича, бруцеллёз билан зарарланган донорларни гемоглобин, аланинаминотрансфераза, қон гуруҳи ва резус омиллари натижаларини ўрганиш. Назорат гуруҳига 50 нафар донорлар олинди (1- жадвал). Бруцеллёзга ижобий бўлган донорларни ($n=90$) асосий ва назорат гуруҳида гемоглобин ва аланинаминотрансферазага кўра медианаси ($M \pm m$). (Хедделсон усулидаги текширилган донорлар бўйича). Тадқиқот натижалари асосида, гемоглобин асосий гуруҳда $133,7 \pm 0,72$ ни ва назорат гуруҳида $137,2 \pm 1,2$ ни ташкил қилди. Аланинаминотрансфераза бўйича асосий гуруҳда $0,57 \pm 0,03$ ни ва назорат гуруҳда $0,47 \pm 0,02$ натижаларни ташкил қилди.

Бруцеллёзга ижобий бўлган донорларни ($n=90$) асосий ва назорат гуруҳида қон гуруҳи ва резус омили асосида таксимланиши (абс/%). (Хедделсон усули, Райт реакцияси, ИФА (Вектор бест ва Имбиан) ва Полимераза занжир реакцияси бўйича).

Хедделсон реакциясига кўра қон гуруҳлари асосий гуруҳи О(I) қон гуруҳ 31 нафар донор (34,4%)ни, А(II) қон гуруҳ 29 нафар донор (32,2%)ни, В(III) қон гуруҳ 16 нафар донор (17,8%)ни, АВ(IV) қон гуруҳ 14 нафар донор (15,6%) ни, резус мусбат 81 нафар донор (90 %) ва резус манфий 9 нафар донор (10%)ни ташкил қилди. Райт реакцияси Хедделсон реакциясидаги қон гуруҳлари ва резус омили аниқланиш кўрсаткичлари билан деярли бир хил. ИФА бўйича Вектор бест ва Имбиан реагентлари орқали қилинган тадқиқотларда қон гуруҳлари бўйича бир хил натижаларни фақат Вектор бест реагентида А(II) қон гуруҳ 20 нафар (18%)ни ва Имбиан реагентида А(II) қон гуруҳ 12 нафар (10,8%)ни кўрсатди, резус мусбат бўйича иккала реагентни таққослаганда 4,5% га фарқли натижа аниқланди, лекин Хедделсон реакцияси, Райт реакцияси ва полимераза занжир реакциялари билан таққослаганда фарқли натижаларни кўрсатди. Полимераза занжир реакция бўйича қон гуруҳлари асосий гуруҳи О(I) қон гуруҳ 16 нафар донор (14,4%)ни, А(II) қон гуруҳ 10 нафар донор (9%)ни, В(III) қон гуруҳ 7 нафар донор (6,3%)ни, АВ(IV) қон гуруҳ 6 нафар донор (5,4%) ни ва резус омили бўйича мусбат 37 нафар донор (33,3%) ва манфий 2 нафар донор (1,8%) ли кўрсаткичларни кўрсатди. Маълумотларга асосан, бруцеллёз инфекцияси билан зарарланган донорларни гемоглобин, аланинаминотрансфераза даражаларини ва қон гуруҳи, резус омилларини учраш даражасини ҳисобга олган ҳолда, 2- гуруҳда асосий ва назорат гуруҳларда ўрганилди. Гемоглобин, г/л бўйича асосий гуруҳда $133,7 \pm 0,72$ ва назорат гуруҳида эса $137,2 \pm 1,2$ микдорни ташкил қилди. Аланинаминотрансфераза кўрсаткичлари бўйича асосий

гуруҳда $0,57 \pm 0,03$ ва назорат гуруҳларида эса $0,47 \pm 0,02$ даражаларни ташкил қилди.

Тадқиқотимизда "ЭКОлаб" (Ўзбекистон) ва "Бруцеллэзга ягона антиген" (Ўзбекистон) иккита тест- тизимидан фойдаланган ҳолда Хеддельсон бўйича серологик агглютинация реакцияси ёрдамида бруцеллэз инфекцияси билан зарарланганликни аниқлаш натижаларини таққосладик. Иккала тест тизимидан фойдаланган ҳолда натижалар учта вариантига кўра бруцеллэз инфекциясига мусбат деб қабул қилинди: - $0,01$ титрида мусбат; - $0,02$ титрида мусбат ва $0,04$ титрида шубҳали. Ушбу тестлар асосида асосий гуруҳни ташкил этувчи бруцеллэзга мусбат натижаларга эга бўлган 90 та қон донорлари танланди (2-жадвалга қаранг).

Жадвал 2

Хеддельсон усули бўйича "ЭКОлаб" ва "Бруцеллэзга ягона антиген" реактивлари билан текширув таққослама эффективлигининг натижалари (абс/%).

Хеддельсон	ЭКОлаб (n=90)		Бруцеллэзга ягона антиген (n=90)		Р
	абс.	%	абс.	%	
0,04 шубҳали	10	$9,0 \pm 0,0$	10	$9,0 \pm 0,0$	$>0,05$
0,02 мусбат	15	$13,5 \pm 3,3$	13	$11,7 \pm 3,3$	$>0,05$
0,01 мусбат	65	$72,2 \pm 4,7$	67	$74,4 \pm 4,6$	$>0,05$

«ЭКОлаб» тест тизимидан фойдаланишга асосланиб, текширилган донорлар бруцеллэз мавжудлигига мусбат реакция кўрсатдилар, $72,2 \pm 4,7\%$ донорларда $0,01$ натижа ва $13,5 \pm 3,3\%$ донорларда $0,02$ натижа бўлди. Шубҳали натижа ($0,04$) асосий гуруҳдан (n=90) текширилган беморларнинг $9,0 \pm 0,0\%$ да аниқланди.

Шу билан бирга, "Бруцеллэзга ягона антиген" тест тизими ёрдамида Хедделсон реакцияси бўйича ушбу донорларни текширишда бруцеллэз мавжудлигига мусбат реакция $0,01$ натижа билан $74,4 \pm 4,6\%$ ва $0,02$ натижа билан $11,7 \pm 3,3\%$ донорларда аниқланди. Шубҳали натижа ($0,04$) асосий гуруҳдан (n=90) текширилган беморларнинг $9,0 \pm 0,0\%$ да аниқланди.

Тадқиқот натижаларини иккала тест тизимидан фойдаланган ҳолда таққосласак, улар бруцеллэзга мусбат ($0,01$ ва $0,02$; $p > 0,05$) тестларда жуда ўхшаш кўрсаткичларга ва шубҳали натижаларда бир хил қийматларга эга эканлиги аниқ ($0,04$; $9,0 \pm 0,0\%$ $9,0 \pm 0,0\%$ га нисбатан; $p > 0,05$).

Шунинг учун «ЭКОлаб» (Ўзбекистон) ва «Бруцеллэзга ягона антиген» (Ўзбекистон) тест тизимларини қўллаш натижаларида сезиларли фарқлар йўқлигини ҳисобга олиб, иккала тест тизимидан ҳам донорларни

бруцеллёз инфекцияси билан зарарланганлик мавжудлиги бўйича бирламчи текшириш учун фойдаланиш мумкин.

Кейинчалик бруцеллёзга мусбат донор қон намуналари (n=90) Райт реакцияси ёрдамида қўшимча текширилди, натижалари барча 90 донорларда ҳам мусбат бўлди (3-жадвалга қаранг).

Жадвал 3

Райт реакциясида бруцеллёз инфекцияси мусбат бўлган донорларни (n=90) текширув натижалари (абс/%).

Райт реакцияси	Донорлар сони (n=90)	
	абс.	%
1/50 шубҳали	23	25,5
1/100 кучсиз мусбат	46	51,1
1/200 мусбат	16	17,8
1/400 кучли мусбат	5	5,6

Райт бўйича агглютинация реакциясининг натижалари 1/100 (кучсиз мусбат), 1/200 (мусбат) ва 1/400 (кучли мусбат) титрларида мусбат ҳисобланади. 1/50 титр билан натижалар шубҳали деб баҳоланди.

Агглютинация реакцияси натижаларига нисбатан мусбат реакцияга эга бўлган донорлар сони (титр 1/100 дан 1/400 гача) 1,2 баравар кам ($p>0,05$) ва 80 (88,9%)га нисбатан 67 (74,5%) ни ташкил этди. Шу билан бирга, Райт реакцияси бўйича шубҳали натижаларга эга бўлган донорлар сони Хеддельсон реакцияси бўйича (23/25,6% 10/11,2%га нисбатан) топилганидан 2,3 баробар ($p<0,001$) кўпроқ статистик аҳамиятга эга бўлиб чиқди.

Бироқ, Хеддельсон ва Райт бўйича реакцияларидаги натижалардаги фарқларга қарамай, 90 донордан олинган барча донациялар ҳатто шубҳали натижаларда ҳам, яроқсиз деб топилди.

Адабиётда агглютинация реакциясига асосланган Хеддельсон ва Райт усуллари бошқа усулларга нисбатан сезувчанликнинг паст кўрсаткичларига ҳамда ўзига хосликка эга эканлиги ва шунинг учун нотўғри натижаларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, ҳайз кўрган аёлларда ва б.да бошқа яллиғланиш касалликлари туфайли текширилганларда мусбат ва шубҳали натижалар кузатилиши мумкин. Кўпгина замонавий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бруцеллёз инфекцияси билан зарарланганликни текширишнинг энг перспектив усуллари юқори сезувчанлик ва ўзига хослик кўрсаткичлари билан бўлган иммунофермент анализ (ИФА) ва полимераза занжир реакцияси (ПЗР) га асосланган усуллардир.

